

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ҚАРОРИ**2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида**

Шаҳар ва туманлар бўйича ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожланиш дастурларини, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш тармоқ дастурларини, меҳнат бозори талабларини ҳисобга олиб, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Аҳоли бандлигини ва шу асосда унинг даромадлари ва ҳаёт даражасини ошириш, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари меҳнат бозорининг эҳтиёжлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворликларини инобатга олиб, янги иш жойлари яратилиши юзасидан жавобгарликни кучайтириш Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг 2014 йил 22 октябрдаги 992-II-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги СҚ-454-II-сонли “2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг 2014 йил 22 октябрдаги 992-II-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги СҚ-454-II-сонли “2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида”ги қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Бухоро вилоятида 2014 йилда янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастур кўрсаткичи 1-иловага, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ойма-ой кўрсаткичлари 2-иловага, 2014 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури кўрсаткичларининг амалга оширилишини ташкил қилиш бўйича вилоят ишчи комиссияси таркиби 3-иловага, 2014 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини назорат қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи ишчи гуруҳи таркиби 4-иловага, 2014 йилда тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг иш ўринлари ташкил этишни таъминлайдиган бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш кўрсаткичлари 5-иловага, 2014 йилда шаҳар ва туманлардаги тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи

субъектларнинг иш ўринлари ташкил этишни таъминлайдиган бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш кўрсаткичлари 6-иловага, вилоят, шаҳар ва туманларда 2014 йил давомида "Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси"ни ўтказиш жадвали 7-иловага, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларига мувофиқ яратилган янги иш ўринлари тўғрисида тезкор маълумот шакли 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2014 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида қабул қилинган барча дастурлар ижросининг иш ўринларини ташкил қилиш қисми бўйича:

вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт бош бошқармаси (Б.Махсудов) йирик объектларда ҳамда ҳудудларда саноат, хизмат кўрсатиш ва сервис, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, алоқа ва бошқа соҳалардаги (қурилиш ва уй-жойларни таъмирлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларидан ташқари) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига ташкил этиладиган иш ўринларини;

вилоят Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси (Ҳ.Тўраев) Инвестиция дастури ижросини амалга ошириш орқали яратиладиган иш ўринларини;

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси (Ф.Қамбаров) давлат мулки бўлган бўш турган бино ва иншоотларни тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш ҳисобига ташкил этилган иш ўринларини;

вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси (Х.Жўраев) уй меҳнатининг барча шакллари, шу жумладан юридик шахс ташкил этмай туриб тадбиркорлик билан шуғулланиш (касаначилик, оилавий тадбиркорлик, пудрат ишлари, деҳқон хўжаликлари, аҳоли томорқалари ва шу қабилар) ҳисобига ташкил этиладиган иш ўринларини;

вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (Ф.Жумаев) фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларни кенгайтириш (паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик ва бошқа йўналишлар) ҳисобига ташкил этилган иш ўринларини;

вилоят ҳокимлиги Молия бошқармаси (Ш.Сатторов) инфратузилма объектларини, шу жумладан бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобига ишга тушириладиган объектлар ҳисобига ташкил этилган иш ўринларини;

вилоят Давлат солиқ бошқармаси (М.Пардаев) иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга

ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш ҳисобига ташкил этилган иш ўринларини;

вилоят Статистика бошқармаси (Б.Гиязов) тақдим этилган статистик ҳисоботлар асосида иш ўринлари ҳолати бўйича;

вилоят ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси (Ҳ.Қобилов) 2014-2014 йил коллеж битирувчиларининг бандлиги ҳолати бўйича;

Марказий банк вилоят бош бошқармаси (Ш.Астанов) хўжалик юритувчи субъектларга ажратиладиган кредит маблағлари ҳисобига яратилган иш ўринлари бўйича доимий мониторинг юритилсин ва мониторинг натижалари шаҳарлар, туманлар кесимида вилоят ишчи комиссиясига ҳар ойнинг 25 санасигача тақдим этиб борилсин.

4. Дастур кўрсаткичларининг ижросини ташкил қилиш бўйича вилоят ишчи комиссиясига:

дастурда белгиланган тадбирларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича ташкилотчилик ишларини амалга ошириш, тегишли вилоят ташкилотлари ва ҳокимликларнинг бу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳар ойнинг 25 санасигача бириктирилган ҳудудга чиққан ҳолда, 2014 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш вилоят дастури ижросини танқидий ўрганиб, ҳокимликлар ва мутасадди ташкилотлар иштирокида муҳокама қилиб бориш;

ҳудудий дастурларда белгиланган параметрлар ижросини таъминлашда йўл қўйилган камчиликлар ва муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чораларни кўриш;

белгиланган вазифаларни талаб даражасида бажармаётган тармоқлар, тижорат банклари, корхоналар, ташкилотлар ва ҳокимликлар раҳбарларининг масъулиятини кўриб чиқиш юзасидан вилоят ҳокимига таклифлар киритиб бориш;

ҳудудий дастурга киритилган объектларнинг ўз вақтида ишга туширилиши, дастур параметрларининг тўлиқ ва сифатли бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш;

дастур ижроси тўғрисида ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 5 санасигача вилоят ҳокимига ахборот киритиш топширилсин.

5. Дастур мониторингини юритиш бўйича вилоят ишчи комиссияси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи ишчи гуруҳига:

дастурда белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича мониторинг юритиш, барча параметр кўрсаткичларини таҳлил қилган ҳолда умумлаштириб бориш;

дастур ижросини ташкилотларда, шаҳар ва туманларда бажарилишини ўрганиб, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда якуний маълумотларни умумлаштириб, вилоят ишчи комиссиясига ҳар ойнинг 20 санасига қадар тақдим этиш топширилсин.

6. Шаҳар ва туманлар ҳокимларига:

вилоят дастури асосида “2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш” бўйича ҳудудий манзилли дастурларини ишлаб чиқиб, тегишли қарор билан тасдиқлаш;

дастур ижросининг бориши ҳақида ҳар ойда белгиланган муддатда вилоят ишчи гуруҳига ёзма ахборот тақдим этиш топширилсин.

7. Вилоят Статистика бошқармаси (Б.Гиязов), вилоят ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш (Х.Жўраев), Иқтисодиёт (Б.Махсудов) бош бошқармалари билан биргаликда барча чора-тадбирлар ҳисобига яратиладиган иш жойларининг статистик ҳисоботларини юритилишини таъминласинлар.

8. Мазкур қарор “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида эълон қилинсин.

9. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими

М.Эсанов